

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 141 (10.446)

2005 ЙИЛ 21 ИЮЛЬ



КЎПРИКСОЗЛАР

ФАЙРАТИ



Давоми 2-бетда.

XVI сессия
аср
Барча навбалардан
оливлан сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлислар залида Республика Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда «Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникиси: назария ва амалиёт муаммолари» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.**

● **Олмалик шаҳридаги «Металлург» стадионида Тошкент вилоятидаги олий ўқув юртлири, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари, мактабларда таълим олаётган йигит-қизлар иштирокида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот, Ташқи иқтисодий алоқалар агентликлари ҳамда Россия Федерациясининг Республикамиздаги элчихонаси кўмакида ўтказиладиган аънавий «O'Z'BEK IN PRINT» ва «O'ZUPACK» халқаро кўргазмаларининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

● **Нукусда ишбилармонлар иштирокида ташкил этилган семинарда солиқ соҳасидаги янгиликлар, тадбиркорларга яратилган имтиёзлар, ишбилармонлар фаолиятига асосис аралашувларга чек қўйиш ҳақида сўз борди.**

● **Қашқадарё вилоятининг Фузур ҳамда Чирочқи туманларида ун ва ун маҳсулотлари ҳамда илп-кавала ва трикотаж матолари шилаб чиқаришга ихтисослашган иккита янги қўшма корхона ташкил этилди.**

Жаҳонда

● **Ливан Президентини Эмилъ Лахуд Бош вазир Фуад ас-Сенъора томонидан таклиф қилинган ҳукумат таркибини тасдиқлади.**

● **Покистонда полиция томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида ислом экстремистици гуруҳларига алоқадорликда гумон қилинаётган ўнлаб кишилар ҳибсга олинди.**

● **Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатининг ёзги пойтахти ҳисобланмиш Сринагар шаҳрида содир этилган портлаш оқибаатида 6 киши ҳаётдан қўз юмди, 16 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.**

● **Хитойнинг жануби-шарқий ҳудудларида табиий офат юз берди. Хуанци шаҳрида «Хайтан» тўфони хуруфи оқибаатида бир киши ҳалок бўлди, кўплаб турар жой бинолари сув остида қолди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника базасини яратиш, илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқиш жараёнини янги мазмун билан бойитиш, бўлғуси мутахассисларнинг таълими улар томонидан аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш билан чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тугатилган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари негизида Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, Тошкент тиббиёт академияси Республикада юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлайдиган етакчи ўқув муассасаси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-сонли қарорига мувофиқ 2005/2006 ўқув йилига бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари учун белгиланган қабул квоталари Тошкент тиббиёт академиясида сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази, Тошкент тиббиёт академияси ректорати билан биргаликда илгари тасдиқланган қабул комиссиялари фаолиятининг аниқ пухта ташкил этилишини ва улар узлуксиз ишлашини, Академияга қабул қилиш чоғида тест танлов ўтказилиши ҳамда тест синовларининг муваффақиятли ўтганлар қабул қилинишини таъминласин.

Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларига ҳужжат топширган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Тошкент тиббиёт академиясининг талабалари этиб қабул қилиниши

белгилаб кўйилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалалар юзасидан қарор қабул қилсин.

Қарорда қуйидагилар назарда тутилсин: хозир фаолият кўрсатаётган бешта факультет — даволаш, тиббий-педагогика, стоматология, тиббий-профилактика ҳамда «Олий ҳамширалик иши» факультетларини сақлаб қолиш; даволаш факультети ҳамда «Олий ҳамширалик иши» факультетини тугатилган Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида, стоматология, тиббий-профилактика ва тиббий-педагогика факультетларини эса — собиқ Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида жойлаштириш;

Тошкент тиббиёт академиясининг янги ташкилий тузилмаси, кафедралар, ўқув лаборатория ҳамда ёрдамчи тузилмаларнинг сони, таркиби ва номини қайта кўриб чиқиш, уларнинг такоррланиши ва параллел ҳолда олиб борилишига барҳам беришни кўзда тутиш. Айни вақтда профессор-ўқитувчилар таркибининг умумий сони сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тугатилган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларининг биноси, ишоотлари ҳамда бошқа мулки ва активларини Тошкент тиббиёт академияси балансига бепул ўтказсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

ПОЙТАХТНИНГ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласида «Камолот» ЕИҲ туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.

● **КЕЧА** Шукур Бурхонов, Ҳабибий, «Ўзгартиш» маҳаллаларида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбатлари «Қизлар ибоси билан гўзал» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Учтепа туманидаги «Октепа» маҳалласида «Камолот» ЕИҲ ва Тошкент Давлат маданият институти ҳамкорликларида ўтказилган концерт дастури «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

● **КЕЧА** 21-Мехрибонлик уйида тарбияланувчилар иштирокида «Камолот» ЕИҲ Юнусобод туман Кенгаши, туман халқ таълими бўлими ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида тарбияланувчилар иштирокида викторина ташкил этилди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 113-мактаб бунёдкорлар томонидан капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Янги ўқув йилида замонавий тарзда қайта таъмирланган ўшбу илм маскани ўқувчиларга муносиб совға бўлади.

● **ЎТГАН КУНИ** Сергели туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида «Камолот» ЕИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан кўчма оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот
хизмати ва ўн мухбирларимиз
хабарларидан.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ
ТОҲИРОВ Бахтиёр Ибрагимович шаҳар ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

КЎПРИКСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

Давоми. Боши 1-бетда.

— Айни кунларда Мустақиллик иншоотимизда ишлар қизиб, яъни бунёдкорлик юмушлари кечасию кундузи давом этмоқда, — дейди бош пудратчи ташкилот — «Узавтойул» Давлат акциядорлик концерни автомагистраль бирлашмасининг раҳбари Шавкат Раимкулов. — 450 нафар тажрибали кўприксозу малакали йўлсозларнинг меҳнат кўтаринчилиги баланд. Қатъий режага асосан йўллари асфальтлаш юмушлари сифатли, тезкор бажарилмоқда.

Барча ишларнинг 31 июлгача бажарилиши кўзда тутилган бўлиб, зиммаларидаги вазибаларни ўз мuddатиди ва сидқидилдан бажаришлари учун кўли гул бунёдкорларга ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Мазкур маҳоратли курилиш иншоотининг бош лойиҳачиси «Тошкентбошрежа ЛТИ»нинг етук мутахассислари ҳисобланади.

Бежизга ҳалқимиз «Йўлларингиз равон, ойдин бўлсин» дейишмайди. Бизни кўзлаган манзилимизга бехатар элладиган йўллар равон ҳамда ойдин бўлса, унинг йироқлигини умуман сезмаймиш, оғиримиш эса бир зумда енгил бўлади - қолади. Бунга мисол сифатида пойтахтимизда Истиклол йилларида қад ростлаган текис, жаҳон андозаларига мос йўллар уларни бир-бирига туташтирувчи мусти маҳкам, кўркам кўприклар ҳиссага ҳалқимиз манумлини қисматини туймоқда, қурувчиларимиз маҳоратига тин бермоқда...

Пойтахтимиз кўчаларини кезиб, елдек учиб бораётган транспорт воситаларини кузатар, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини тинглар эканмиз, бунга яна бир қарра амин бўламиз. Шаҳримиз кўчаларига фойза ва улғуворлик бағишлаётган мустаҳкам кўприклар бунёдкорларимиз

изланишлари, ғайрат-шижоатлари намунаси бўлиб, Сергели тумани ҳудудида барпо этилаётган узунлиги 50 метр ва кенлиги 40 метрни ташкил этувчи навбатдаги кўприк ҳам алоҳида аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

— Курилиш майдонида жавлон ураётган бунёдкорлар, малакали кўприксозларимизнинг заҳматли, аммо шарфафли меҳнатлари ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман, — дейди ёрдамчи курилиш ташкилот — «Кўприккурилиш» трестининг 13-кўприк курилиш отряди бош муҳандиси ўринбосари Қобил Алихў-

ларигина улкан ишларни амалга оширишга қодир. Мен бир бунёдкор сифатида бундай курилишларда қатнашиб, озми-кўпми ўз ҳиссамини қўшаётганимдан жуда фаланаман.

Мазкур кўприк ишга тушган, вилоятлардан қатнайдиган оғир юк машиналарининг шаҳримизга қирмасдан Тошкент Ҳалқа йўли орқали тўғридан тўғри ўтиб кетиши таъминланади. Бу эса ўз навбатида шаҳримизнинг экологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатгани ҳолда, транзит юк ташиниши самардорлиги ошишига омил бўлади.

Мустақиллик танталарини ўзига ҳос муносиб совага билан қаршилашга тайёргарлик кураётган бош пудратчи — «Узавтойул» Давлат акциядорлик концерни, ёрдамчи пудратчилар — «Кўприккурилиш» трестига қарашли 13-кўприк курилиш отрядининг моҳир кўприксозлари, «Тошшаҳарнур»



жаев. — Айниқса, кейинги беш йилда мустақиллигимиз шодиёналари арафасида пойтахтимизда режа асосида курилайётган кичик Ҳалқа йўлининг маълум қисмлари фойдаланишга топширилмоқда. Йўл ва кўприк қуришда алоҳида тажриба тўплаган, унинг барча машаққатларини зиммаларига олган ажойиб инсонлар — йўлсозу кўприксозларимизнинг кўли кўлига тегмайди. Ишимизнинг сифат ва самардорлиги ҳаммаша қатъий назоратда эканлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Кўприклар курилишидаги тажрибаларимиз жуда қўл келмоқдаки, бу каби масъулиятли иншоотларда ўз соҳасининг билимдон-

корхонаси, «Ирригация» трестларининг бунёдкорларининг ҳамжihatлигидаги саъй-ҳаракатлари самараси ўларок ушбу иншоот фойдаланишга топширилиши учун ҳаракат авжида.

Тошкент Ҳалқа йўлининг навбатдаги қисмида кўприк ва йўл курилиши учун ниҳоятда зарур бўлган 150 танан ортда техника воситалари ҳамда 100 га яқин механизмлар бир зум тиним билмайди. Машиналар бирин-кетин «каиноқина» асфальтини Янгиёулдан келтиришмоқда. Асфальт ёқиши машиналарининг ҳаракатини уч сменада ҳам кузатиш мумкин. — Ҳозирда кўприк курилиши,

Иқтисодиёт

ШИРИНЛИКНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

Шаҳримиздаги «Ёш футболчи» хусусий корхонасида Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ҳамшаҳарларимиз дастурхони учун янги турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда.

Бу корхона тadbиркорларининг энг улғу шодиёнага ажойиб тўхфаси ҳамда аҳоли дастурхонига безак бўлади.

— Маҳаллий хом ашёдан Россия ва Германиядан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида тайёрланаётган 20 хилдан зиёд вафли, шоколад ва карамелларимиз ҳаридорлар талаби асосида ишлаб чиқаришмоқда, — дейди корхона технология Комил Мақсудова, — уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида сифатига ҳам, қадоканлигига ҳам эътибор қаратмоқдамиз. Республика-мида еттиштирилдиган турли мевалардан самарали фойдаланиб тайёрланаётган ширинликларимиз ҳозирда кўпчиликка манзур.

Яқинда корхонага янги — печенье ишлаб чиқариш линиясининг ўрнатилгани ёшларга қўшимча ишчи ўринларини яратди.

ШИФОБАХШ ЧОЙЛАР

Наъматак ўсимлигининг сараланган меваларини қайта ишлаш асосида тайёрланаётган шифобахш чойлар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Нафис олам» масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотидир.

Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган корхона тadbиркорлари аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ҳаридор талабини, тиббий чойнинг инсон организмга таъсирини, шифобахшлик хусусиятини ўрганиб чиқдилар. Ана шунга қўра апрель ойдан бошлаб қадокланган шифобахш чойнинг 3 тури тайёрлана бошланди.

— Ишлаб чиқараётган шифобахш чой маҳсулотимиз инсон организмдаги жамик касалликларга даъво бўлади, — дейди корхона бош директори Равшан Исахонов. — Икки йиллик тайёргарликдан сўнг юзга келган маҳсулотимиз танага қувват беради, қандли диабетни даволашда, қон босимини нормаллаштиришда, ошқозон-ичак касалликларида фойдали, шамоллаш ҳамда юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиш даражасини оширади. Ҳозирда маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосий хом ашёни Тошкент вилояти Бўстонлик туманидан ҳамда «Шифобахш» жамиятидан келтирялмиш. Мақсадимиз дори-дармонларемиз инсонларни шифобахш чойлар воситасида даволаш, дардларига малҳам бўлишидир.

Ҳозирда корхонада 8 нафар ишчи-хизматчи сифатли маҳсулот тайёрлаш учун меҳнат қилаётган бўлса, йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида яна 9 та кўшимча ишчи ўринларини яратиш кўзда тутилган. Tadbиркорларнинг яна бир мақсади наъматак данакларидан ёғ ишлаб чиқаришдир. Ушбу янги маҳсулотнинг таъсир кучи жихатидан облепиха ёғидан бир неча баробар самарали бўлиши кўзда тутилган. Шунингдек, бошқа шифобахш ўсимликлардан ҳам чойлар ишлаб чиқарилади.

Шарофат БАХРОМОВА

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «O'zbekim dasturlari» электрон нашрлар таҳририя-ти томонидан яратилган «Iboga» электрон луғатининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тadbирда мамлакатимизда барча соҳаларни ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Мақамасининг тегишли қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Уларда замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашувининг электрон шаклларига изчиллик билан босқичма-босқич ўтиш, реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер технологияларини кенг жорий этиш соҳанинг устувор вазифасини эътиб белгиланган. Шу боис электрон дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, услубий материаллар яратиш - давр талаби.

«Iboga» электрон луғати ўзбек-рус-инглиз

тилларидаги 120 минг сўзни ўз ичига олган. Дастур тизими олтин таржима йўналишидан фойдаланиш имконини беради, яъни ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, инглизча-русча, русча-ўзбекча, русча-инглизча.

Луғатнинг афзалиги унинг фойдаланиш учун гоят қулайлиги, тезкорлиги, оммавийлигида бўлиб, унда ўзбек тилидаги ҳар бир сўзнинг нафақат кирилл, балки лотин алифбосидаги ёзуви ҳам берилган.

«O'zbekim dasturlari» электрон нашрлар таҳририяти луғатни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиш академияси, Марказий банк, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда Ўзбекистон ёш дастурчилар ассоциацияси мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликда яратди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Ёзми «Қамолот» билан!

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими томонидан «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ўсмир ва ёшлар ўлказида Ватан туйғуси, она юртга садоқат хиссларини уйғотиш ҳамда ёзни мароқли ўтказишлари учун алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Юқори Чирчиқ туманида жойлашга ҳарбий қисмга қарашли ўқув-машғулот базасида ҳар йили ёзги дам олиш ҳарбий оромгоҳини ташкил этиш яқин аънанага айланган. Яқинда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, «Қамаллак» бунёдкор ташкилоти, «Маҳалла умудлари» маркази ҳамкорликларида ҳарбий оромгоҳ ўз фаолиятини бошлади. Ушбу ҳарбий қисмга қарашли оромгоҳнинг навбатдаги ёзги мuddати очилиши маросимида сўзга чиққан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳара-

кати туман Кенгаши раиси ўринбосари Равшан Маматов аънанага мувофиқ янги мавсумда фаолиятини давом эттираётган оромгоҳда ҳордик чиқарувчи ёшларни она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг саломатлиги ва жисмоний баркамоллигини ривожлантириш асосий мақсадлардан бири эканлигини таъкидлади. Шунингдек, оромгоҳ фаолияти доирасида ёшларни Қуролли Кучлар сафига тайёрлаш, вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта эътибор

Юлдуз РИЗАЕВА

Мамлакатимизда ўнга яқин ятти алоқа компанияси ва юзлаб АТС-лар фаолият кўрсатаётди. Юртдошларимизга сифатли алоқа хизмати кўрсатишда таксафонларнинг ҳам ўз ўрни бор.

«ЎЗБЕК ТАКСАФОНИ» — ҚУЛАЙ ХИЗМАТ ТУРИ

Пойтахтимиздаги «Uzbek taksafoni» қўшма корхонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Утган қисқа давр ичида мазкур корхона томонида Тошкент шаҳрида 200 га яқин қарточкали таксафон ўрнатилди.


— Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда 40 фоизли чегирмалардан фойдаланиш имкониятини берувчи VIP хизматини ҳам жорий этганмиз, — дейди корхона директори ўринбосари Рустам Орифжонов. — Бунда абонентлар ўз телефон аппаратлари орқали қўшимча пин-кодларни киритмаган ҳолда юқори сифатли алоқадан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, шу йилдан корхона яна бир янги — «Овозли почта» хизматини йўлга қўйди. Алоқа хизматининг бу тури шахсий телефонга эга бўлмаганлар учун жуда қулай. Яъни корхонанинг қарточкаси ва телекоммуникацион тизими ёрдамида овозли почта қўлига инсталган шахс томонидан қондирилган овозли ахборотларни қабул қилиш мумкин. Масалан, сиз корхона қарточкасига эгасиз. Сиз билан алоқага чиқмоқчи бўлган одам, хоҳ юртимизнинг чекка бир туманидан, хоҳ чет давлатдан бўлсин, рақамингизни териб сизга етказмоқчи бўлган хабарини ёздириб қўяди. Сиз эса истаган вақтда жойлардаги «Uzbek taksafoni» қўшма корхонасининг таксафонлари орқали бу хабарни олишингиз мумкин.

Корхона жамоаси яқин келажакда ушбу қарточкалар орқали Интернет хизмати кўрсатишни ҳам режалаштирган.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири

Мустақиллик — улуг неъмат



МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ

Истиклолимизнинг тўнғич — 1991 йили Ўзбекистонда Алишер Навоий йили, деб эълон қилинганлиги ҳозир ҳамма билди...

Хиёл вақт ўтган — Мустақилликнинг иккинчи йили арафасида Тошкент марказида ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурага ўрнатилган улугвор ҳайкал тантанали вазията очилди.

Шундан кейинги 1994 йилда республикамизда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги катта шоду-хуррамлик билан байрам қилинди.

Булар тасодифан эмасди. Мустақиллик ўзбек халқига нафақат давлат суверенитетини, шу билан бирга том маънода ўзига беҳлик, миллий гуруру ва ифтихор, миллатнинг буюк фарзандларидан фахрлиниш туйғуларини ато этди.

Курраи заминимиз куруклик қисмининг олтидан бирига эгаллиги билан дунёга мактабни келган салтанатнинг XX аср сўнги ўн йиллиги бошидаги таназзули оқибатида бошқа республикалар қатори, ҳатто улардан ҳам кўпроқ Ўзбекистон ўткир ижтимоий муаммолар гирдобига эди.

Бу кунларни бир эсланг. Йирик шаҳарлари кичик кишлоқлардаги дўконларнинг бўм-бўш, хувиллаб ётганиги ҳеч кимни таажублантмай қўйганди. Тошкентда ўтган аср 50- ва 60-йилларнинг кутучалар шаклида қурилган бир андозали 4000 тадан кўпроқ кўп қаватли турар-жой бинолари узоқ вақт қаровисиз қолганлиги сабабли яшаш учун дегарли яроқсиз ҳолга келганди.

Бунинг устига айрим "қароматчи сиёсатдонлар" гўё кечагина "марказнинг дотацияси ҳисобида кун кўрган" республика ўз рўзгорини мустақил тебратишга қурби етмайди, дея жар солишни қўймасди.

Ҳеч муболагасиз, ўтиш даврининг жуда мураккаб шароитида Ўзбекистонда маънавиятга бундай катта эътибор берилиши бежиз эмасди. Президентимиз Ислам Каримов бунинг шундай асослаб берганди: "Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ бўлса ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг қўллаб қўлловчи мустақамлаш учун меҳнат ва маблагга аяш ўз келажагига болта уриш демокдир".

Ҳа, бир асрдан кўпроқ мустам-

лака исканжасида бўлган бш давлат учун маънавий уйғониш, маънавий тикланиш сув билан ҳаводек ҳаётини заруратилиги ҳеч шубҳасиз эди.

Бу ҳақда сўз кетган экан, энг аввало, биз давлат мустақиллигига эришишдан аввал ким эдик, деган савол беришимиз ўринли бўларди.

Умуман, ўша вақт қандай эди? Бизнинг тақдиримиз қимларнинг қўлида эди?

Кимга ва нимага тоат-ибодат қилардик? Ўша маълул мадҳия мусиқаси остида ким ва нималар ҳақида қўлардик?

Тилимиз ва динимизнинг аҳволи қандай эди? Бизнинг миллий гуруримиз, инсоний қадр-қимматимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизчи?

Ўша вақтда жаҳонда Ўзбекистонни ким ҳам танирди? Биз билан ҳеч ким ҳисоблашармиди?

1994 йилда ўша пайтдаги парламентимиз — Олий Кенгаш XIV сессияси минбаридан туриб Юр-тбошимиз ўртага ташлаган бу фақуллода нозик, лекин, табиий саволлар жуда ўринли бўлиб, бу жуда яқин ўтмишимизни дарров эсдан чиқаришимиз асло мумкин эмас.

Ахир Ўзбекистонда ўзбек тилида сўзлашиш ҳолоқлик, ҳатто етарлича билимсизлик сифатида баҳоланиши сир эдимиз?

Неча минг йиллик тарихи, маданияти, давлатчилигига эга ўзбекча мадҳия битишга журъят этган шoirига миллатчи ёрлиғини ёпиштириш даражасига етилмаганимди?

Ота-боболаримиз урф-одатларига амал қилиш эскилик саркитига тенглаштирилиб, қатағон қилиниш учун энг асосли баҳонамасмиди?

Биргина 1930 йилнинг ўзида Тошкентдаги 26 мадрасадан 23 таси йўқотилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Бундай ҳаётини саволларни анча давом эттириш мумкин. Уларга жавоб тайин: мустамлака сиёсати. Шунинг учун узоқ йиллар давомида ўта кўп билан, узлуксиз захарлаб келинган юртдошларимиз онгини миллий истиқлол руҳида фикрлашга рағбатлантириш талаб этиларди.

Бу эса жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ва мустақамлашни кун тартибига қўйган эди. Шу боисдан Истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб қириччи навбатда, буюк аждодларимиз томонидан юзлаб йиллар мобайнида яратилган жуда улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати

даражасига кўтарилди. Юқоридики этилганидек, бу собитқадмлик билан давом этирилди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейининг муштаам биноси қад кўтарди. Бунга мана салкам ўн йил бўлсада, ҳозиргача ушбу маънавият масканини зиёрат қилгани келган хорижликларга музей атиги ўн ой ичида қуриб битказилган ва жиҳозланган десангиз ишонимайди. Чунки, нафақат унинг биносини ростлаш, балки бетактор нақшларини деворларга гумбазларга тушириш, уларга жило бериш, нодир экспонатларни жамлаш, жой-жайига қўйиш учун бундан беш-олти баравар зиёдрок вақт ҳам камлик қилиши турган гап.

Бу мисолларнинг ўзигина эрки измига берилган инсонлар ҳаётда муъжизалар яратишга қодирликларининг амалий қўрилишлари эмасми?

Истиклол шарофати билангина Ватанимиз ва миллатимиз рамзига айланган Амир Темурийнинг буюк хизматлари эътиборга этилди. Юртимизда у улуг зотининг ҳайкаллари ўрнатилиши, музейлар барпо этилиши, номида орден таъсис этилиши аслида тарихий ҳақиқатнинг тикланиши эди. Буюк Соҳибқиронга XV асрдаёқ Европада халоскоримиз, деб ҳайкал ўрнатилишига қарамадан собитқадм турмузи унинг номини қора бўёқларга чапашга обдон уринди. Аммо ҳақиқат эгилса ҳам синмаганидек, бобокалонимиз ана миллатимизнинг фаҳри ва гурурига, ўз Ватани, халқига садоқат билан хизмат қилиш намунасига айланди.

Шу ўринда ЮНЕСКОнинг бундан атиги ўн йил муқаддам "Ўзбекистон маданияти тарихи жаҳон ҳамжамияти учун ўзига хос кашфиёт бўлди", деган эътибори диққатга сазовордир. Тўғри-да, ахир Истиклолчана Имом Буюқор, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Ахрор Валий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғинойий, Имом Термизий, Абдуҳолик Фиждудвий каби қанчадан-қанча улуг аждодларимиз номлари юртимизда тор мутахассислардан ташқари кимларга маълул эди? Бунга эса уларнинг пок руҳлари шод этилиб, туддан таъмирланган мажмуаларидан зиёратчиларга қадами аримайди.

Ватанимизнинг муқаддас оstonasi Тошкентда ҳам Қўқалдош, Бароқхон, Шайх Ҳованди Тахур, Шайх Зайниддин Бува, Ҳўжа Аълаббардор мажмуа ва макбаралари обод этилди. Пойтахтда Тошкент Ислон университети очилди.

Ўз Ватанлари озодлиги, Хуррият учун жон фидо қилганлар ҳам миннатдор авлодлар томонидан эъзозланмоқда.

Тошкентда "Шаҳидлар хотира-си" мажмуаси барпо этилиб, бевосита Мустақиллик куни арафасида бу ерда озодлик курашиши учун ботирлик эъга олинган халқимиз, айниқса ёшлар

учун бебаҳо маънавий сабоқ бўлмоқда.

Ҳудди, шунингдек, пойтахтда "Ҳотира майдони"нинг барпо этилиб, ўз юрти, ота-оналари, фарзандлари, миллатдошлари эрки учун ҳалок бўлган 450 мингга яқин ватандошларимиз рамзий "Ҳотира китоби" зарварақларида номма-ном қайд этилгани қаҳрамонлар жасорати мангуликка дахлдорлигининг рамзидир.

Давлатимиз раҳбарининг "XXI аср-маънавият асри, таълим, фан, маданият ва ахборот асри бўлади", деб таъкидлашларида жуда катта маъно туйиш даркор. Тарихий тажриба миллатнинг келажаги, энг аввало, унинг маънавий қудратига ва онгининг ижодий қучиқа бевосита боғлиқлигидан далолат бериб келмоқда. Кўп асрлар мобайнида халқимиз жуда қаттиқ мафқуравий таъйиқларга қарамадан тарихий ва маданий қадриятларини, ўзига хос урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолди ва авлоддан авлодга авайлаб узатиб келди.

Маънавиятнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган маданият, санъатта доимий ҳам-ҳурлик, ҳомийлик мустақиллик йилларида кенг ривож топганлиги айниқса диққатга моликдир. Фақат кейинги йилларнинг ўзида пойтахтда Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Миллий театр, тасвирий санъат галереяси барпо этилди, қанчадан-қанча театрлар, музейлар таъмирланди.

Ўз давлатининг бу мададига таянган ўзбек санъати дунё сахналарини дадил забт этаётганлиги маънавий тикланишимиз ифодасидир. Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларининг катта муваффақият билан ўтганлиги, Миллий театримизнинг Москвага, А.Навоий номли катта опера ва балет театрининг Японияга, Ёшлар театрининг Исроилга, Қўғирчоқ театрининг Мисрга гастроллари, ёш мусикачиларимиз, бошқа истёъод эгаларининг нуфузли халқаро танловларда голиблар қаторидан ўрин олаётганлиги ҳам шундан яққол далолат бериб турибди.

Мустақиллик инъом этган имкониятлардан фойдаланаётган ижод аҳлининг театр санъати, мусика билан бир қаторда тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида ҳам катта муваффақиятларга эришаётганлиги яқши маълул. Бу жўшқин маданий жараён, самарали ижодий изланишлар махсулидир.

Ана шу маънавий тикланиш Истиклол ворисларига турли ақиданарастлик қўлиларини энг биг ўтиш, ҳар бир масалада мустақил фикр юритиш, ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни тўғри баҳолай олиш қобилиятини бахш этмоқда.

Маънавий баркамол инсонлар эса ҳеч қачон ҳеч кимга қарам ҳам бўлмайдилар, ҳеч кимдан кам ҳам бўлмайдилар.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

Маълим

Янги ўқув йилига Тараддуд

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида янги ўқув йилига катта тайёргарлик кўриломоқда. Айни вақтда қатор янги мутахассисликлар бўйича ўқув машғулотлари йўлга қўйилади.

Олий ўқув юртининг махсус сиртқи бўлими орқали малакали педагоглар тайёрлаш билан боғлиқ бу жараёнлар болалар спортини ривожлантиришга ҳам қаратилади.

Бундан ташқари Миллий истиқлол гоёсини ўстириш ҳамда мактабларга тарбия йўналиши бўйича ўқувчилар билан шуғулланувчи педагоглар тайёрлашга ҳам киришилди.

Билимдонлар Фестивали

Тошкент Давлат иқтисодий университетиде "Қадимий маданият билимдонлари" мусобақасини ўтказиш яқши анъанага айланиб қолди. "Халқлар дўстлиги фестивали" дастури доирасида уюштирилаётган бу маърифий тадбир олий ўқув юртининг Фалсафа кафедраси томонидан амалга оширилмоқда.

Яқинда ташкил этилган билимдонлар мусобақаси "Қадимги Рим" ҳамда "Қадимги Греция" талабалар гуруҳи ўртасида ўтказилди.

Қизиқарли ташкил этилган бу тадбирда қадимги миф қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи сахна кўринишлари ҳам намойиш қилинди.

Корхона йўлланмаси билан

Тошкент кимё-технология институтида янги ўқув йилига қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Олий ўқув юртида қатор янги мутахассисликлар бўйича ҳам талабалар қабул қилинади.

Институтнинг сиртқи бўлимида кимё-технология таълимининг тўрт йўналишида билим берилади. Сода моддасини ишлаб чиқарувчи мутахассислик бўйича ҳам янги қабул эълон қилинди. Улар Қўнғирот содалар заводи тавсияси билан институтнинг сиртқи бўлимига тест саволларисиз қабул этиладилар.

Бу ёшлар заводада ишлаб, ҳосил қилинган пухта билим ва қўникмаларини амалиётда намоён этадилар.

Акбар АЛИЕВ

Айни кунларда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юрларида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ниҳоясига етди. Қалбида бир олам орзу-истак билан олий мақсадларни кўзлаб илм даргоҳига ният қилиб келаётган ёшларнинг кўриб ҳаваси келади кишининг. Чунки бугунги ёшларнинг қалби қайноқ, билимга чанқоқ эканликлари, ғайрату шижоатлари баландлигидан кўнглимиз қувончга тўлмоқда.

Абитуриент — 2005

ОЙДИН ОРЗУЛАР САРИ

Тошкент автомобиль йўллари институтида ҳам бу йил абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ишлари тартиб билан йўлга қўйилиб, бир неча маслаҳатчилар ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида абитуриентларнинг турли саволларига жавоб бериб кўмаклашиб туришди.

— Бу йил институтнинг бакалавриатура босқичига режа бўйича 655 та ўрин ажратилган бўлиб, 3000 дан ортик абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинди, — дейди институт ўқув бўлими бошлиғи, 2005-2006 ўқув йили қабул комиссиясининг масъул

котиби Абдунаим Аблакулов. — Институтда 10 та йўналиш бўйича бешта факультет мавжуд бўлиб, улар автотранспорт, автомобилсозлик, йўл қурилиши, иқтисод ва бошқарув, касбий таълим каби факультетлардан иборат. Магистратура босқичига эса 16 та мутахассислик бўйича 81 та ўрин ажратилган. Магистратурада ўқиш истагида бўлган талабалар жорий йилнинг 30 июлигача ҳужжатларини топширишлари мумкин. Шунга айтиш жоизки, институтга бу йил давлат гранти асосида 260, тўлов-контрактлари асосида эса 395 нафар талаба қабул қилинади.

Жорий йилда институтни тамомлаган 1000 дан ортик талабалар бакалавр ва магистрлик даражасидаги дипломларга эга бўлишди. Улар орасида фақат бакалавриатура босқичини битирган талабалардан 87 нафари имтиёзли диплом олишди. Бундан ташқари 2 нафар талаба — Аббор Мусахонов ва Абдурасул Машраббоев Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндорлари бўлиб, улар институтнинг магистратура босқичига имтиҳонсиз давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинадилар. Шунга фахр билан айтиш керакки, ўтган йиллар давомида институтнинг бир қанча иқтидорли талабалари ва аспирантлари Америка, Англия, Германия, Хиндистон, Швеция ва бошқа хориж мамлакатларидаги нуфузли университетларда таҳсил олиб қайтишди.

Албатта, абитуриентларни қабул жараёнидаги янгиликлар ҳам қизиқтириш, табиий. Бу йилги абитуриентлар ҳам кирилл, ҳам лотин алифбосида имтиҳон топширадилар. Яна шунга айтиш керакки, институтда бакалавриатура босқичига қабул бўйича кўтариш-ташиш, йўл ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича янги йўналиш таш-

қил қилинди. Институтда ўқиш жараёни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Биз ушбу билим даргоҳига улкан мақсадларни кўзлаб келган, билим олиб юксак чўққиларни забт этишга ошиқайтган абитуриентлар билан суҳбатлашиб, орзу-истаклари ҳақида ўртоқлашдик.


— Мен Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги академик лицейни тамомладим. Айни кунда Тошкент автомобиль йўллари институтининг автомобиль йўл қурилиши иқтисоди ва бошқаруви факультетида ҳужжатларимни топширдим, — дейди абитуриент Қобил Ҳақимов. — Математика ва англиз тилларига қизиқаман. Ниятим шу институтда таҳсил олиб, келгусида мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиёти ва тараққиётига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшиш.

— Олий маълумотли бўлиш истагида ушбу институтга турмуш ўртоғим билан бирга ҳужжатларимни топширдим, — дейди абитуриент Дилноза Ғофурова. — Ўзим ҳамширалик бўйича коллежни таътанман. Лекин келгусида яна олий маълумот олиб, етук мутахассис бўлиб етишишни орзу қиламан. Китоб ўқиш, билим олишга ҳавасим кучли. Ажабмас омадим қилиб боқса. Қалбимда орзуларим жуда кўп. Бунинг учун ўқиш ва яна ўқиш керак, албатта. Зеро, мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари учун барча шароитлар етарли.

Дарҳақиқат, бугун кўнглида чексиз орзу-истаклар туғён ураётган, ниятлари пок абитуриентлар ойдин орзулар сари қанот ёзишмоқда. Биз уларга албатта ана шу орзулар қанотида юксак билим чўққиларини забт этишларига тилақдошимиз.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент автомобиль йўллари институтига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёнидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.



МАҚСАД — ТЎҚИС ТАРБИЯНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти, фарзандларимиз таълим-тарбияси йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириляётир. Зеро, яхши тарбия ва меҳр қўрган фарзанднинг нафақат ота-онасига, балки элу юртга ҳам нафи тегади.

Конституциямизда қайд этилганидек, ота-оналар ўз фарзандларини воёга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдилар. Бу инсонлар воқиданинг моҳиятини барча бирдек англаб етатиими? Афсуски, айрим ота-оналар фарзанд олдидаги масъулиятни ҳис этмай, уларни ўз ҳолига ташлаб қўётган ёки уларга руҳий-маънавий жиҳатдан салбий таъсир ўтказиб, оиладан бездираётган ҳоллар ҳам йўқ эмас.

Бундай ҳолларга йўл қўймаслик, болалар қаровсизлиги, воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий фаолият йўналишларидандир. Айни шу мақсадда таълим мусассасалари ва маҳаллалар билан ҳамкорликда белгиланган дастурлар асосида иш олиб борилаяпти.


— Воёга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, қолаверса, саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кунда республикамизда мавжуд икки мингдан ортик милиция таянч пунктлари ҳузурда спорт майдончалари ва бошқа сек-

ция ҳамда тўғарақлар мунтазам ишлаб турибди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи, капитан А.Абдужалилов ЎЗА муҳбирига. — Воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган «Тозалаш», «Тун», «Тўсиқ», «Кўча», «Усмир» каби комплекс профилактик тадбирлар мунтазам амалга ошириляпти.

Шунга қарамай воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларга йўл қўяётганлар ҳам йўқ эмас. Ички ишлар идоралари ходимлари ана шундай ўсмирлар билан алоҳида иш олиб бормоқдалар.

Бугунги кунда асосий эътибор профилактик ҳисобда турган воёга етмаганларнинг дам олишини тўри ташкил этишга кўмаклашишга қаратилаяпти. Уларни фойдали ишларга жалб этиш, касб-хунар эгаллашлари ёки спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратилаётир.

НОРГУЛ АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири



Мабассуи

ЛАТИФАЛАР

Талаба йигит қиз билан рақсга тушайтган эди. Бирданига йигит ҳушидан кетди.

— Сув, сув! — деб қичқирди қиз.

Атрофдагилар сув келтиришди. Талаба зўрга кўзини очиб секин пичирлади:

— Нон ҳам ...

Бир қиз ярим тунда ер ости тоннелига тушди, у ерда чирок ғира-шира ёниб турарди. Қизчанинг қарама-қарши томонидан қўлини икки томонга кенг қериб олган бир эркак келарди. Қиз кўрқиб кетиб: «Ердан беринг!» — деб бақирди ва ерда ётган гишт-ни олиб, шубҳали шахсга отди. Шунда бир нарсанинг чил-чил сингани эшитилди...

Эркак чуқур ҳўрсиниб, уф тортиди:

— Эҳ, иккинчи мартаба ойнани уйга олиб бора олмаяман ...

Дорихонадан бир мижоз чиқиб келаётганди. Унинг кетидан сотувчи югуриб чикди. — Кечирасиз, сиз ҳозир кальций глюконат олдингизми?

— Ха.

— Тезда уни қайтариб беринг.

— Нимага?

— Сизни алдабди у. Мен бўлганимда шунча ҳақ учун сизни икки оёғингизни кесган бўлардим.

ЭНДИ ТУШУНДИ

Судья жабрланувчидан сўради:

— Қўшним мени бегемот деб ҳақорат қилди, деб шикоят қилибсиз. Нега энди уч йил ўтган судга бердингиз?

— Яқинда мен ҳайвонот боғига борган эдим, у ерда жуда бадбашара, бахайбат, турки совуқ ҳайвоннинг пешонасига бегемот деб ёзиб қўйишибди, — деди даъвогар.

КЎПГА ЧИДАЙДИ

Пойабзал магазинида: — Бу туфли кўпга чидай-дими?

— Ўйлайманки, хоним кўпга чидайди. Чунки иккинчи жуфтини олган харидор бизнинг магазинга қайтиб келмапти.

ҲОЗИРЖАВОБ ОФИЦИАНТ

Тушлик вақтида овқатланиш учун кириб келган хўранда столга ўтиргач, менюни олиб официантга чойпулини узатиб деди:

— Қани айтинг-чи, мен қайси овқатларни буюрсам сифатли овқатланаман?..

Официант:

— Яхшии сиз нариги кафега кириб овқатланг...

ТУШДАНИ МИЛЛИОНЕР

Икки эркак сайр қилиб юриб бир-бирига:

— Буни қаранг, — деди биринчиси, — мен хотинимнинг тушида миллионер бўлибман.

— Бахтли экансиз, сиз тушда миллионер бўлибсиз, — деди иккинчиси. — Менинг хотиним эса гўё мен ўнгимда миллионердек кўп нарсаларни харид қилади.

Азимжон ҲУСАНОВ

«Камолот»

БИР ТУМАН ЯНГИЛИКЛАРИ

«Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши томонидан яқинда «Жаҳон аҳолишунослик куну муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Ушбу тадбир «Камолот» ЕИХ сардорлари, етакчилари иштирокида амалий ўқув машғулотлари тарзида ташкил этилди. Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда аҳолишунослик мумамолари юзасидан беллашдилар. Улар ОИТС, гивёандлик, қашандалик, экология мумамолари бўйича ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказдилар.

«Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши томонидан «Сардорлар ёки етакчилар» номли тадбир уюштирилди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, ёз давомида «Езни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида тадбирларни ташкиллаштиришда сардорлар ва етакчилар Кенгаши аъзоларининг фаоллигини янада оширишдан иборат бўлди. Унда «Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур тумани сардорлар ва етакчилар Кенгаши аъзолари қатнашдилар. Иштирокчилар куйидаги шартлар: танишув, қувноқ эстафета, интеллектуал саволлар, ижодий чиқишлар бўйича беллашдилар. Ҳар иккала тадбир голиблари «Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши томонидан тақдирландилар.

«ЎЗ ЙЎЛИМИНИ ТОПИБ ОЛДИМ»

Бўлган воқеа

— Ассалому алайкум, Жобир ака сиз бўласизми? — деди назикчана овоз соҳибаси.

Жобир секин орқасига қаради ва озгин, лекин ёқимли қиз қулиб турганини кўрди. — Ҳа, Жобирман. Сиз менимча Нарғиза бўлсангиз керак. Дугонангиз сиз ҳақингизда айтган эди.

— Жобир ака, менга устозлик қилинг, менга йўлбошчи бўлиб, санъат соҳасига олиб кириг. Катта санъаткор бўлиш менинг бирдан-бир орзуим.

Жобир хайрон қолди. Чунки у бундай тақдирни кутмаган эди. Кимгадир устозлик ёки йўлбошчилик қилиш учун унинг ортиқча вақти ҳам йўқ эди.

— Йўқ, деманг, жон Жобир ака, яхшиликнингизга минг яхшилик билан жавоб бераман, — деди Нарғиза мулоимгина.

— Биласизми, синглим, мен ҳам ўқийман, ҳам ишлайман. Бундан ташқари, яна бошқа ишларим кўп. Хар ҳолда сизга етарлича вақт ажратолмасам керак.

Нарғиза Жобирга мўлтиллаб қараб тураверди. Жобир эса яна нима дейишни билмай бироз иккиланиб қолди. Охири, маъли дегандек бошини қийратиб қўйди.

— Лекин сизга ҳеч нарса ни ваъда қилмайман. Хозир эса ишни сизни эшитиб кўришдан бошлаймиз.

Нарғиза бир-иккита мумтоз ва замонавий қўшиқларни айтиб кўрди, аммо унинг овози

созланмаган ва кўп хатолари бор эди. — Ҳечқиси йўқ, лекин анчагина ишлашга тўғри келади. Сиздан фақат сабр-тоқат ва меҳнат талаб қилинади. Жобир кун тартибини кўриб чиқиб, ишдан сўнг унга вақт ажратишга қарор қилди.

Шу зайлда кунлар ўтди. Жобир эрталаб ўқир, кундуз куни ишлар, кечгача эса Нарғиза билан шуғулланар эди. Хар кун чарчаб уйга кеч қайтарди. Нарғизанинг анчагина овози очилиб қолганда, Жобир катта санъаткорлардан унга касбий маслаҳатлар олишига шариот яратиб берди, бир қанча машур хонандалар билан таъинлаштириб қўйди. Шунингдек, Нарғиза эл олдида чиқишга ўргатинди, деб, қўллаб хайрият концертларига олиб борди, унинг репертуарига қўшиқлари кўпайганида, ўз концертини ташкил қилиб берди. Нарғизанинг ўз овозига эга бўлиши ва мухлислари кўнглидан жой олиши учун унинг қўшиқларига клип олиниши зарур эди. Лекин ҳали тетапола қилаётган қўшга бу иш оғирлик қилиши аниқ эди. Жобир қўшиқлар устида ўзи туриб, клипнинг олинишига бош-қош бўлди.

Нарғиза қисқа вақт ичида бутунлай ўзгарди, энди у қўшиқларни маромига етказиб айтадиган, хатога йўл қўймайдиган бўлиб қолди. Ёшгина қизнинг бирмунча мухлислари пайдо бўлди, уни концерт ва тўйларга тақлиф этакдиган бўлишди. Нарғизанинг онаси Жобирга жуда ишонгани учун, у бу ишончига оқлаш учун қизга яна кўпроқ вақт ажрата бошлади. Лекин Нар-

ғиза пулга уча бошлади ва Жобирнинг маслаҳатларига қулоқ солмай қолди.

— Қизим, сен ҳали жуда ёшсан, — дерди унинг онаси. — Жобир шунча вақтини, кучини аямай сени шу даражага олиб чиқди, лекин сен яна ўсишинг ва ўз устингда ишлашинг керак эди.

Аммо Нарғизанинг пулдан кўзлари кўр бўлган эди. Жобирни ҳурмат қилиш ўқда турсин, ҳатто салом беришга ярамапти.

— Ким бўлибди, у, — дерди у дугонасига, — мен ўз йўлиمنى ўзим топаман.

Ҳа, албатта, энди Нарғиза ҳақиқатан ҳам ўз йўлини топиб кета олади, ахир унинг устида Жобир озмунча ишламади, унинг меҳри ва кучи унга сингди. Жобир уни ўз синглисидек кўриб, шахсий ҳаётига аралашмасди. Кунларнинг бирида Жобирнинг ҳамқасби шундай деб қолди: — Эй, Жобир сен шунчалек шу қизга эътибор бериб вақт ажратдинг, унга қанча меҳнатинг сингди, уни деб ўзингнинг зарур ишларинг қилиб кетди, у ҳатто сени одам ўрнида кўрмайди. Энди, қойилмисан, бир яхшиликнинг минг яхшилик билан жавоб бердимми? Тўйларга мени бепул олиб борган деб гап қилиб юрибди.

Жобир нима дейишни билмай турар, ҳаёлидан онасининг бир вақтлар айтган сўзлари ўтди: “Ўғлим, яхшиликни билганга қилгин, билмаган одам юзқўрмас бўлиб кетади, керак бўлса орқандан зарба бериб қолади”.

Жобирнинг юзи ёруғ, у берган ваъдасида туриб, Нарғизани юзага олиб чиқди, унга санъат йўлида фақат зафар тилайди. Лекин қизнинг ноқурлиги Жобирнинг юрагига яра бўлиб қолди.

Хуршида САПАРОВА

Шарқ дурдоналари



● Барча каттаю кичikka, хоҳ у Дуст бўлсин, хоҳи душман, Шайх Саъдий айтганидек яхшилик қилинг.

Байт:

Олтин-кумуш эҳсон қил хар яхшию ёмонга, Бир савоб бўлса, бири тузоқ эиёнга.

● Яхшилик — яхши ном келтирувчи, қарам ва саховат эса кишини бахтиёр қилувчи.

● Тани соғлиқ — туман бойлик.

● Саломатликнинг баҳоси ҳеч қанон пасаймайди, чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор.

● Соғлиқ — олтиндан қиммат.

● Бахт, энг аввало соғлиқ демакдир.

● Саломатликни сақлаш ҳамда турли хил касалликларнинг олдини олишда бадантарбия ва ҳаракатдан яхши восита йўқ.

● Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

РИВОЯТ. Бир подшоҳ кабузиятга йўлиқиб, таҳорат олишга жуда қийналибди. “Ким мени бу касалликдан қутқарса, салтанатини ўшага бераман”, дер экан. Бу сўзни эшитган Оллоҳнинг севибли кулларидан бири подшоҳ олдига келиб, унинг қорнини силабди, подшоҳ шифо топибди. Подшоҳ: “Бу тахта ўтир, бутун салтанатим сенга”, дебди.

У одам: “Йўқ, сен ўз макомингда ўтир, фақат унинг қўли матини, ҳаддини бил. Бу дунёнинг зарра қадар қиймати йўқ. Бир қўза сув каби тугайди. Агар уни ича олсанг, саломатлигингни берасан, ичиб чиқарса олмасанг ҳам салтанатингни берасан. Шунинг учун у бир қўза сув қабиридир”, деб айтибди.

Байт:

Сихат тиласан кўп ема, Иззат тиласанг кўп дема.

● Хасис одам ҳатто ўзи учун зарур бўлган неъматларга ҳам зикналик қилади.

● Хасислик ва гаразгүйлик кишилардан энг муқаддас тўйгулар — Ватанга муҳаббат, оилага муҳаббат, яхшилик ва покликни ҳам тортиб олади.

● Хасислик қалбни қурилади.

● Хасислик қанча кучли бўлса, раҳм-шафқат шунча кучсиздир.

● Одамларнинг олижаноби ўзига нисбатан одамларда муҳаббат уйғотишга уринувчи, одамларнинг бахили эса ўзига нисбатан дўстларда нафрат туғдирувчи кишидир.

● Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

● Эй оқил, ҳасада ва бахиллик кўчасидан қоч. Ҳасадга доимо мадад қўлини чўз. Зеро, ҳасада ва рашқдан ҳеч қим фойда кўрмаган. Аксинча, эл орасида хору зор бўлиб, эътибордан четда қолган.

● Хар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Байт:

Сахий дема саховатига Бирор талаб кўйса гар одам.

Сахийликмас, бу очқўз, бахиллик Бунда йўқдур шаоф ва қарам.

Биласизми?

Дунёда ягона эрталабки овозли газета Амстердам шаҳрида чиқади. Унинг материаллари кассетали магнитофон тасмасига ёзиб олинади. Уни 60 дақиқа давомида тинглаш мумкин. “Овозли газета” тез оммалашиб кетди. Чунки унинг баҳоси росмана газета нархидан балеанд эмас.

Жаҳондаги балеанд телеиноралардан бири Канаданинг Торонто шаҳрида бунёд этилган. Минора пойдевори тош-метин қотадиган бетондан ишланган бўлиб, таянч устига вертолёт ёрдамида ўта соф пўлатдан тайёрланган мачта ўрнатилган. Балеандлиги 553,6 метрли бу иморат қурилишига ҳаммаси бўлиб минг тонна пўлат сарфланган.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.



Суд зали. Ҳамма аллақандай ноҳус бўлиб ўтирибди. Кимдир хозирги рўй берадиган кўнгилсизлик бўлишидан норози ҳолда безовталанса, бошқа биров икки ёшга нафрат билан қараб қўяди. Кимнингдир “ношукур, кўрнаммак, енгилтақлар”, деб таъна билан айтган сўзлари оғир сукунатда яққол эшитилди.

— Исмоилов жавоб беринг? Нега хотинингиз билан ажрашмоқчисиз? — деб сўради суд раиси.

— Бу саволни аввал ана унга беринг? — деди йигит титроқ овоз билан.

— Исмоилова, нега эрингиздан ажралишга рози бўлдингиз? — Характеримиз тўғри келмади. Биз бир-биримизни яхши синмаган эканмиз, келишса олмаямиз, барибир бирга тура олмасам керак, — бидиллаб кетди ёш келинчақ.

Бир ярим соат савол-жавоб бўлди. Икки ёш бир-бирларига асосли аргизувдек айб қўймай охири дудуқланиб фақат тўтиқушдай ажраламиз, бирга турмаймиз, деган сўзни такрорлаётган эди.

Бундан уч ой олдин улар никоҳ қошонасига ҳаё-ибо билан қадам қўйганларида нега келгуси турмушлари ҳақида жиддий уйлаб кўрмадилар? Катта тўй-тантанасида қариндош-уруғу, устозларининг бахт-саодат тилаб айтган сўзларини эшитганда нега бир умрга вафодор бўлишга қатъий аҳд қилишмади экан? Бу ноҳушлиқнинг сабаби нима? Ота-она, қайнона, қайноталарнинг оқ фотихалари-чи? Бу саволлар утирганлар ҳаёлидан бирма-бир ўтарди.

Суд бўлаётган ҳонати бир зум сукунат босди. Нахони, келин-куёвлик тахиддан тезда суднинг қора курсисига ўтириш аъло бўлиб қолган бўлса бу ёшларга? Суд раиси ажралиш ҳақидаги қарорни ўқиди. Залда худди чамқок чакандай туюлди. Утирганларнинг кўнчилиги ўша дабадали тўй оқшомида қатнашган кишилар эди. Бу воқеа Яккасарой тумани судида содир бўлди.

Утган кунда Азизонинг ота-онаси: “Ўзимизники, синиб-суриштирадиган ери йўқ!” — деб Мўътабарларнингки соғчиликка боришган эди. Қизнинг ота-онаси ҳам уларни унча махтал қилмай тез жавоб бера қилишди. Мўътабархон ҳам Азизхонга ёр бўлишга қаршилик кўрсатмади, розилик берди,

фақат “ўқишим-чи, нима бўлади?” — деб сўраган бўлди.

Кудалар: “Бош устига, ўзимиз ўқитамиз” — дейишди.

Тўйдан кейинги дастлабки кунлар, ҳафталар ширин ўтди. Қудандалар ёшларнинг бахти-саодатидан жуда мамнун. “Олтин узук-ка, ёқут кўз бўлиб тушишди фарзандларимиз, юлдузлари юлдузларига тўғри келганини қаранг-а, айланай” — деб ўзлариде йўқ шод эдилар. Чакирж меймондорчиликларни бамаслаҳат, иззат-икром билан ўтказишди.

Азизхон геолог эди. Тез-тез қидирувга берар, гоҳо ҳафтабала ўйда бўлмасди. Мўътабар — талаба. Ёш эмасми, эрини соғиниб сиқилари. Кейинчалик ҳар хил ҳаёлларга борадиган, эри келгач, ўринсиз рашқ қилиб уни ҳафа қиладиган одат чикарди. Бу ҳол бир

туришни... — деди-ю зарда билан чиқиб, эшикни тарс этиб ёнди. Тез рўй берган бу воқеа Азизни дов-дириятиб қўйди. Уйдагиларга нима дейишни билмади. Кеч бўлди. Келиндан дарак йўқ... Қайнона, қайнона безовта бўлишди эшикка тақиблар эди. Улар бу ҳолнинг асл сабабини билмасди.

Азиз бекатда узок турди Мўътабарни ярим тунгача кутиб, сўнг бўшашиб уйга қайтиб, воқеани ота-онасига айтишга мажбур бўлди...

Мўътабар институтда бир йигит билан биринчи курсданқоқ гаплашиб юрар экан. Лекин неғадир тўй олдидан бунга яширди, ота-онасига айтмади. Азизнинг йўқ пайтларида тез-тез у билан учрашиб юрди. Ҳатто Мўътабарнинг ота-онаси ҳам бундан хабардор бўлиб, унга тан-бەк бердилар. Аммо Мўътабар қулоқ солмади.

— Ҳа, садоқатли, пок бўлиб бир умрга бир-бирларини суэб, иззат-икромларини жойига қўйиб элга қайишадиган, халқ хизматига қамарбаста, яхши, қобил фарзандлар ўстириб, мурод-мақсадларига этиб қарилж гаштини осийшталлик билан бирга сураётган нуруний ота-онанаҳолларни қўриб киши ҳавас қилади, уларнинг ҳаёт тажрибалари, фарзандлар тарбиясидаги ишларига эргашиб, уларга ўхшасак, деб орзу-ният қилишлади.

Зеро, яхши, гўзал оилага бошчилик қилиш, одобли, меҳнатсевар фарзандларни вога етказиш, авлод, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан бошланади.

Ҳа, садоқатли, пок бўлиб бир умрга бир-бирларини суэб, иззат-икромларини жойига қўйиб элга қайишадиган, халқ хизматига қамарбаста, яхши, қобил фарзандлар ўстириб, мурод-мақсадларига этиб қарилж гаштини осийшталлик билан бирга сураётган нуруний ота-онанаҳолларни қўриб киши ҳавас қилади, уларнинг ҳаёт тажрибалари, фарзандлар тарбиясидаги ишларига эргашиб, уларга ўхшасак, деб орзу-ният қилишлади.

Зеро, яхши, гўзал оилага бошчилик қилиш, одобли, меҳнатсевар фарзандларни вога етказиш, авлод, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан бошланади.

Зеро, яхши, гўзал оилага бошчилик қилиш, одобли, меҳнатсевар фарзандларни вога етказиш, авлод, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан бошланади.

неча марта такрорланди. Охири Азиз бир кун Мўътабар билан очик гаплашиб олишга қарор қилди.

Тун ярмигача улар ади-бади айтишди. Узаро бир-бирларини тўлдурмадилар. Мўътабар “бўлмасе ажралишамиз!” — дейишгача борди. Азиз бундан ниятда анчилиганиб, “Ихтиёринг” деб юборди. Аммо у тўни билан изтироб чекиб, ўзини ўзи қойиди. Сўнг “ёр киши мард бўлиши керак”, — деб тонг отарда нарсаларини йиғиштириб сумкасига солаётган Мўътабарга ялинди:

— Жаҳл устида айтдим, кечиринг, ахир бир умр бирга бўлишга аҳд қилганмиз-ку! Рашқларингиз ўринсиз, мен фақат сизни дейман, илшим шунчақ, хар доим ўйда бўла олмаганим турган гап. Лекин покман, бундан сўнг бундай ҳаёлларга борманг. Одамлар нима дейди? — деб уни юплатмоқчи бўлди.

Мўътабар эса терс қаради: — Епкамнинг чуқури кўрсин бу уйингизни, хохламайман сиз билан

туришни... — деди-ю зарда билан чиқиб, эшикни тарс этиб ёнди. Тез рўй берган бу воқеа Азизни дов-дириятиб қўйди. Уйдагиларга нима дейишни билмади. Кеч бўлди. Келиндан дарак йўқ... Қайнона, қайнона безовта бўлишди эшикка тақиблар эди. Улар бу ҳолнинг асл сабабини билмасди.

Азиз бекатда узок турди Мўътабарни ярим тунгача кутиб, сўнг бўшашиб уйга қайтиб, воқеани ота-онасига айтишга мажбур бўлди...

Мўътабар институтда бир йигит билан биринчи курсданқоқ гаплашиб юрар экан. Лекин неғадир тўй олдидан бунга яширди, ота-онасига айтмади. Азизнинг йўқ пайтларида тез-тез у билан учрашиб юрди. Ҳатто Мўътабарнинг ота-онаси ҳам бундан хабардор бўлиб, унга тан-бەк бердилар. Аммо Мўътабар қулоқ солмади.

— Ҳа, садоқатли, пок бўлиб бир умрга бир-бирларини суэб, иззат-икромларини жойига қўйиб элга қайишадиган, халқ хизматига қамарбаста, яхши, қобил фарзандлар ўстириб, мурод-мақсадларига этиб қарилж гаштини осийшталлик билан бирга сураётган нуруний ота-онанаҳолларни қўриб киши ҳавас қилади, уларнинг ҳаёт тажрибалари, фарзандлар тарбиясидаги ишларига эргашиб, уларга ўхшасак, деб орзу-ният қилишлади.

Зеро, яхши, гўзал оилага бошчилик қилиш, одобли, меҳнатсевар фарзандларни вога етказиш, авлод, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан бошланади.

Зеро, яхши, гўзал оилага бошчилик қилиш, одобли, меҳнатсевар фарзандларни вога етказиш, авлод, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан бошланади.

Зеро, яхши, гўзал оилага бошчилик қилиш, одобли, меҳнатсевар фарзандларни вога етказиш, авлод, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан бошланади.

Зеро, яхши, гўзал оилага бошчилик қилиш, одобли, меҳнатсевар фарзандларни вога етказиш, авлод, ота-онанинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқатидан бошланади.

Спорт

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРНИ КУТАМИЗ

Кеча Украинанинг Севастополь шаҳрида бокс бўйича нуфузли халқаро турнир баҳслари бошланди.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро майдондаги қатор ғалабалари билан жаҳонда доғруғ қозонган чарм қўлқоп усталаримиз ушбу турнирда ҳам энг етакчилар қаторига кирди. Энг муҳими спортчиларимизнинг жисмоний ҳолатлари яхши, техник жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганлар. Турнирда бош мураббий Шароф Худойбердиевнинг Беҳзод Хидиров, Рустам Саидов, Тўлашбой Дониёров, Баҳодир Султонов, Олимжон Назаров, Шерзод Хусанов ва Дилшод Махмудов ҳам иқтидорли шоғирдлари — Олимпиада уйинлари қатнашчилари, жаҳон ва Осиё чемпионатларининг ғолиб ҳамда совриндорлари рингга чиқишади.

Уйлаимизки, 25 июлда ниҳоясига етадиган маъмури халқаро турнирда ҳам боксчиларимиз медаллар шодаси билан қайтишади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ҒОЛИБ

Кўл тўпи ҳам энг қизиқарли спорт турлари қаторига кирди. Бинобарин, гандбол бўйича ўтказилган ҳар бир баҳс голларга бўлиги ва мухлисларга кўйлаб ҳаяжонли лаҳзаларни тақдим этиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда кўл тўпи бўйича ўтказилган чемпионатлар, бошқа турли мусобақаларда одатга кўра шаҳримиз жамоалари доимо етакчилар сафида боришади. Буни яқинда ниҳоясига етган эркеклар ва аёллар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатлари баҳслари яна бир қарра исботлади. Жумладан, эркеклар ўртасида ўтказилган чемпионатда Ўзбекистон Миллий университети командаси зафар кўчган бўлса, «Ешлик» кўнгилли спорт жамаиати кўл тўпи усталари учинчи ўринни эгаллашди.

Аёллар баҳсида эса шахримизнинг «Алгоритм» жамоаси мамлакат чемпиони бўлди. Бу гал Ўзбекистон Миллий университети кизларига бронза нишонлари насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Самарқанд дарбоза кўчаси, 2Б-ўйда жойлашган Ахроров Асрор Музаппаровичга тегишли устaxonага қарашли бўлган ер қадасти ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Toshkent shahar yo'li qurilish va ta'mirlash tresti» очик акциядорлик жамаиати маъмурияти трестнинг бош муҳандиси **Маҳамат Аҳматович РАХМАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изхор этади.

2005 — Сихат-саломатлик йили

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

Халқимизда «Оила устун — эрак» деган ҳикматли ибора мавжуд. Дарҳақиқат, жамаит тараққиёти ривожиди муҳим ўрин тутувчи эраклар, хусусан йигитлар омон, соғ-саломат бўлса хавф хатар йўқ. Йигитларимизнинг маънан етак, жисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари шу куннинг долзарб талаби эканлиги сир эмас.

Аммо, қилиб-билмай нолок йўлларга кириб қолаётган, гивандлик балосига гирифтор бўлиб, ҳаётини заҳарлаётган, инсон учун азиз немат бўлиши соғлиғига путур етказибтган йигитлар афсуски орамизда учраб турибди. Ана шундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида

йувчи-ёшлар ўртасида «Маънавият ва маърифат» марказлари ташаббуси билан шифокорлар иштирокида тез-тез давра суҳбатлари уюштирилганлиги эса қувонарли ҳол.

Кунни кеча Сергели туманида ўтказилган шундай тадбир фикримизнинг далилидир.

Мусобақалар

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси йўлида Собир Раҳимов туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли Завқий маданият уйи томонидан тумандаги Исмоил ота, Иброҳим ота, «Навбахор», «Гулзор», Чўлпон, «Дўстлик», Охунбоев ва «Чукурсой» маҳаллалари ўртасида «Уч авлод учрашуви» номи спорт мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган спорт ишқибозлари шахмат, шашка, стол теннис бўйича ўзаро беллашдилар. Шашка бўйича «Навбахор» маҳалласидан Обиджон Алимов ҳамда шахмат бўйича «Дўстлик» маҳалласидан Нодира Султонова 1-ўрин, шашка бўйича «Чукурсой» маҳалласидан Азамат Тоиров, шахмат бўйича «Навбахор» маҳалласидан Рустам Фозилов ва стол теннис бўйича Азиза Жалилова 2-ўринни эгалладилар.

Қизиқарли ўтган мусобақа ғолиб ва совриндорлари қимматбахо совғалар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Диррабо УМАРОВА,

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати ходими

Мунажжрим башорати

МУВОЗАНАТ ВА УЙҒУНЛИК КУНИ

22 июль, жума

Мунажжимлар фикрича, бугунги кун табиат, инсон ва фазо мувозанати, уйғунлиги кун ҳисобланади. Унинг рамзи қабулгарга алоқадор бўлиб, тинчлик, осойишталик ва адолат билан белгиланади. Уйғунлиқнинг ҳар қандай бузилиши тана ичиди ўз ҳолига қайтариб бўлмайдиган жараёнларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бугун бақир-чақир, кўпол муомалаларга мутлақо ўрин бўлмаслиги керак. Кунни осойишталикка, қалб оромини бузмай, ҳар нарсада меъёрга риоя қилиб ўтказиш айна мудоао бўлади.

Мунажжимларнинг бир гуруҳи бугунги кун никоҳдан ўтиш, никоҳ фотиҳалари учун омадли бўлишини башорат қилишган. Яна бошқа мунажжимлар жуда муҳим қарорларни қабул қилиш, суд жараёнини бошлаб, адолатни тиклаш ҳамда таъмирлаш ва қурилиш ишларини бошлаш учун бугун қулай имкониятлар бўлишини таъкидлашди. Айна пайтда бугун оғир жисмоний меҳнат билан шугулланиш тавсия этилмайди. Бугунги ҳар қандай иш хурсандчилик билан адо этилиши, фойдадан ҳам кўпроқ мамнуният келтириши керак.

Энг муҳими, бугун эраклар аёлларнинг гапларига қўлоқ тутушлари, уларнинг хоҳиш-истакларини сўзсиз бажаришлари мақсадида мувофиқ экан. Шаҳар ташқарисига саёҳатлар уюштириш, сув бўйида бўлиш фойдали. Деҳқончилик ишлари билан шугулланиш, маблағларни ишга жалб қилиш, ҳуқуқшунослар билан мулоқотда бўлиш самарали бўлади. Пул-молия амалиёти, харидлар учун бугунги

зарарли одатлардан сақланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиш зарур эканлиги давра суҳбатида қатнашган «Маънавият ва маърифат» маркази Сергели туман бўлими раҳбари Шавкат Ибрагимов, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч пункти бошлиғи Санобар Абдуллаевлар томонидан қайд этилди.

Дарвоқе, давра суҳбати якунида Ж.Қурбонов, М.Асадова, Д.Махмудов, Н.Туревалар ҳамкорлигида ёзилган «Усмир болаларининг ёлғиз даври» китобининг тақдими бўлиб ўтди ва ҳар бир тадбир қатнашчисига шарҳ рисола тақдим этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

кун унчалик тўри келмайди. Бунинг ўрнига уйлари кўтариш, кир ювиш каби ишлар унумли бўлади.

Тўсатдан чирок ёки оловнинг ўчиб қолиши, шунингдек ўт билан боғлиқ бўлган барча аломатлар нохушлиқлардан дарак беради.

Рамзий тушлар ҳам, ҳақиқий тушлар ҳам бу кеча башорати бўлиши кутулади.

Жигар ва қораталоқни асраш керак. Ҳаммомга тушиш ёқимли ва фойдали бўлади. Корин пастиди, оёқ ва ўпкада қароҳлик операцияларига бугун йўл қўйиб бўлмайди. Ҳеч қандай янги ишга кўл урманг.

Кийимлардан оқ, кўк ва олтинранг туслилари омадли ҳисобланади. Қизил ва қора рангли либослардан бугунча воз кечган қўлқул.

БУГУН

— ота-оналар, кекса қариндош-уруғлар, катта авлод вакиллари маслаҳатларига қўлоқ солиш;

— бугунги кунга белгиланган режаларингизни тўлиқ адо этиш;

— ҳосилни йиғиштириш, қишга озиқ-овқатларни амлаш;

— яхши уфатлар билан дам олиш, ишончли жамоада меҳнат қилиш;

— бирмунча зерикарли бўлса ҳам одатий иш билан шугулланиш тавсия этилади.

Танангизнинг ортиқча қизиб кетишига (айниқса юрагингиз хаста бўлса) йўл қўйманг, ўз-ўзини даволаш билан шугулланиш, шу мақсадда спиртли ичимликлар ва гиванд моддалар истеъмол қилиш мутлақо ман этилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоб қилган ҳолда, Сиз энг яхши жиҳатлари очиклиги ва тинчлиги (яъни доим ўз ҳисобингиз билан танишингиз мумкин) бўлган автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимидан фойдаланасиз.

Телефон алоқаси хизматлари учун ҳақ куйидаги йўналишларда тўланади:

- бевосита хизмат кўрсатилганидан сўнг;
- олдиндан тўлаш йўли билан (олдиндан тўлов асосий ва қўшимча алоқа хизматлари учун амалга оширилади);
- ҳисоб-китобдан кейинги ой давомида.

Олдиндан аванс тўлови амалга оширилганида кўрсатилган телефон хизматлари учун ҳисоб-китоблар олдиндан ҳақ тўлаш воситалари ҳисобига куйидаги узвийликда амалга оширилади:

1. Телефон аппарати учун абонент тўлови.
2. Ойига 180 дақиқа ҳажмида белгиланган ҳақ тўланмайдиган сўзлашувлар лимитидан ташқари ҳар бир тўла ва тўла бўлмаган дақиқа учун вақтбай тўлов тўловнинг вақтбай тизими бўйича);
3. Қўшимча хизмат турлари учун тўлов;
4. Махсус хизматлар узели (маълумотлар хизматлари учун тўлов).

- 09 — ташкилотлар телефонлари бўйича маълумотнома — 20 сўм.
- 009 — хонадорлар телефонлари бўйича маълумотнома — 20 сўм.
- 001 — об-ҳавонинг қандай бўлиши тўғрисида маълумот — 15 сўм.
- 004 — аниқ вақт — 15 сўм.

Юқориди кўрсатилган хизматлар учун тарифлар оширилганида автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизими пул маблағлари тугагунга қадар Сизнинг ҳисобингиздаги эски тарифлар бўйича бўлган суммадан кўрсатилган хизматлар қийматини чегириб ташлайди.

Пул маблағлари тугаганидан сўнг хизматлар учун ҳақ тўлаш янги тарифлар бўйича амалга оширилади.

Тўловнинг аванс тизими қулай ва манфаатлидир. Автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизими Сизнинг вақтингиз, пулингизнинг тежалишини ҳамда алоқа қорхонаси билан ўзаро муносабатларимиз **ОЧИК-ОЙДИН** бўлишини таъминлайди.

Маълумотлар куйидаги телефонлар бўйича: **TshTT филиали маркетинг ва тарифлар бўлими — 55-77-17**

1-TN серияли 0021593 рақамли ва 1-TN серияли 0038014 рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚИШОНИ
газеталари тахририяти
реклама агентлигини
ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ



Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (371) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тираж офсет усулида босилади. 2496 нусxada босилди. Қогоғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардан почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақорхонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.